

Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломнинг килган газотларидан бири тугагач, бир мусулмон хотин тушиб колган ярадорларни излаб топмокчи бўлди: ўликлар орасига кирди. У ён-бу ённи излар чогда “Ох... сув!..” деган бир товуш эшитди. Бир ярадор мусулмоннинг сувдонини кўрди.

Озрок сув топиб шу ярадорнинг олдига келди. Бошини астагина кўтариб, сувни ичтиромокчи бўлди. Ярадор мусулмон дудогини сувга еткузар чогда бошка ёқдан “Ох... сув!..” деган ўзга бир товуш келди. Ярадор сув келтирган хотинга дедики:

- Бу сувни мендан бурун шу товуш эгасига элтиб бер. Бир йўлдошим яраланиб сувсаб ётар экан, мен ичолмайман.

Хотин сувни иккинчи ярадорга олиб борди. У хам сувни ичайин деб турган чогида “Ох... сув!..” деган яна бир товуш эшитди, хотинга дедики:

- Шу йўлдошим сувсиз экан, мен ичолмайман, бер сувингни шунга.

Хотин сувни учинчи ярадорга етказди. У сувни ичаётганда биринчи ярадорнинг “Ох... ўолдим... сувсизликдан” деган товуши келди. Бу хам хотинга:

- Сувингни мендан бурун шу товуш эгасига бер! – деди ва ўзи ичмади.

Хотин яна кайтиб биринчи ярадорнинг олдига келса, бечоранинг ўлиб ётганини кўрди.

Иккинчи ярадорнинг олдига борди, у хам ўлиб ётган экан. Учинчи ярадор хам сувсизликдан ўлиб колмасин дея югуриб кетди:

- Эй, воҳ!.. Бу хам ўлиб колибди! – деб сувни тўкди.

Мусулмонларнинг ўлим чогида хам бир-бирларини канчалик севишларини ўйлаб кўз ёш килди.

Абдурауф Фитрат

“Ўки” китоби, Боку, 1917 йил